XALQ DEPUTATLARI MIRZACHO‘L TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

Gagarin sh. 130300, O‘zbekiston ko‘chasi, 29-uy. Tel: (72) 312-21-11

2022 - yil 16 - dekabr VI-47-142-3-51-K/22 Mirzacho‘l tuman hokimligi

Тумандаги айрим кўча ва қабристонларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарорига асосан **Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича 1 та кўча ва 6 та номсиз қабристонларга** иловада номлари келтирилган кўча ва қабристонларга маҳалла фуқаролар йиғинлари таклифлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 20 июлдаги 08-06196-сонли ҳамда 2022 йил 9 ноябрдаги 08-09893-сонли хатларига асосан **халқ депутатлари Мирзачўл туман Кенгаши**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича 1 та кўча ва 6 та номсиз қабристонларга** иловада номлари келтирилган кўча ва қабристонларга маҳалла фуқаролар йиғинлари таклифлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 20 июлдаги 08-06196-сонли ҳамда 2022 йил 9 ноябрдаги 08-09893-сонли хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича 1 та кўча ва 6 та номсиз қабристонларга** иловада номлари келтирилган кўча ва қабристонларга маҳалла фуқаролар йиғинлари таклифлари маъқуллансин.

3. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (С.Бойматов), туман Статистика бўлими (Ў.Хурсанов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси (Б.Бекназаров), туман Қурилиш бўлими (С.Содиқов) давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ туманидаги **номланган, қайта номланган кўча ва қабристонлар** номларини белгиланган тартибда статистика ҳисоботларида акс эттириш ва иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсинлар.

4. Туман Ички ишлар бўлими (Ж.Каримов) **қайта номланган аҳоли кўча ва қабристонларга** аҳолини рўйхатга қўйиш ҳамда тегишли йўл белгиларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.

5. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси (Б.Бекназаров), туман Қурилиш бўлими (С.Содиқов)лар биргаликда **қайта номланган кўча ва қабристонларига** белгиланган тартибда замонавий дизайн асосидаги пешлавҳалар ва кўрсаткич белгилар ўрнатилишини таъминласин.

6. Туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Р.Зайниддинов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Ш.Қўқонбоев) номлари тасдиқланган аҳоли пунктларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг давлат реестри базасига киритилишини таъминласин.

7. Туман Ахборот хизмати раҳбари (Х.Шербекова), “Мирзачўл овози” газетаси таҳририяти (Т.Алланазарова)га ушбу қарор мазмун моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б (Ж.Омонов), туман ҳокимининг ўринбосарлари (С.Бойматов, С.Сиддиқов, У.Рустамов) ҳамда туман ҳокимининг маслаҳатчиси (Р.Зайниддинов) зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi, tuman hokimi **Sh.Axmedov**

Xalq deputatlari Mirzacho‘l tuman
Kengashining
2022 yil 16 dekabrdagi
VI-47-142-3-51-K/22-son qaroriga
1-ilova

Мирзачўл туманидаги давлат реестрига киритилмаган мавжуд қабристонлар номлари

РЎЙХАТИ

№	Географик объектнин тоифаси	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Географик объектга таклиф қилинган номи
1.	Қабристон	Ипак йўли ҚФЙ	Номсиз	Биродарлик
2.	Қабристон	Боғбон ҚФЙ	Номсиз	Кўктерак
3.	Қабристон	Тошкент ҚФЙ	Номсиз	Магулик
4.	Қабристон	Янгидала ҚФЙ	Номсиз	Сокинлик
5.	Қабристон	Пахтазор ШФЙ	Номсиз	Абадият
6.	Қабристон	Ўзбекистон ҚФЙ	Номсиз	Боқийлик

Xalq deputatlari Mirzacho‘l tuman
Kengashining
2022 yil 16 dekabrdagi
VI-47-142-3-51-K/22-son qaroriga
2-ilova

Мирзачўл туманидаги давлат реестрига киритилмаган мавжуд объект номи

РЎЙХАТИ

№	Географик объектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Туман комиссияси томонидан берилган таклиф	Изох
1	2	3	4	5	6
1.	Кўча	Пахтазор ШФЙ	Номсиз	Истиқлол	Мустақиллик